

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ.  
УМУМИЙ ЖАРРОХЛИК, ЖАРРОХЛИК КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ХАРБИЙ  
ДАЛА ЖАРРОХЛИГИ КАФЕДРАСИ.

**МАЪРУЗА МАВЗУСИ: ЗАМОНАВИЙ ХИРУРГИЯНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ. АСЕПТИКА ВА  
АНТИСЕПТИКА.**

Даволаш, педиатрия факультетлари ва тиббий-педагогика (касбий  
таълим) йуналиши 3 курс талабалари учун.

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**  
АДТИ ўқув ишлари бўйича проректор,  
профессор И.И.Алимджанов



« \_\_\_\_\_ » 2016 йил

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**

Умумий жаррохлик кафедраси муdiri  
профессор Х.Т.Мусашайхов

« 27 » июнь 2016 йил

Баённома № 18.

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**

«Хирургия» муамолар хайяти  
раиси, профессор Ф.Н.Нишонов

« 28 » июнь 2016 йил

Баённома № 9.

**Кафедра йигилишида тасдиқланган ва тавсия этилган**

**« 27 » июнь 2016 йил Баённома №18**

## ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони 80-120	Давомийлиги – 2соат
Ўқитиш тури	Маъруза - визуализация
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кириш. Замонавий хирургиянинг ривожланиш тарихи .</li> <li>2. Асептика ва антисептика хақида тушунча.</li> <li>3. Талабаларни антисептика турлари ва асептиканинг асосий усуллари билан таништириш.</li> </ol>
<p><i>Маърузани мақсади:</i> Замонавий хирургиянинг ривожланиш тарихини таништириш, Асептика ва антисептика хақида тушунча бериш. Талабаларни антисептика турлари ва асептиканинг асосий усуллари билан таништириш.</p>	
<p><i>Ўқитувчи вазифалари:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Асептика турлари билан таништириш</li> <li>2. Антисептика турлари билан таништириш</li> <li>3. Кимёвий антисептикларни таснифи билан таништириш.</li> <li>4. Антисептикларни организмга юбориш йулларини ургатиш.</li> </ol>	<p><i>Ўқув жараёни натижалари:</i></p> <p>Талабалар билиши керак:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Антисептик усулларни ишлатиш йуллари</li> <li>2. Асептика турлари</li> <li>3. Антисептика турларини</li> <li>4. Антисептикларни организмга юбориш йулларини.</li> <li>5. Кимёвий антисептикларни таснифи.</li> <li>6. Биологик антисептика ва Энзимотерапия.</li> </ol>
Ўқитиш методи ва техникаси	Маъруза – визуализация, техника: блиц-сўров, фокусланган саволлар, техника «ха-йўқ»
Ўқитиш воситалари	Компьютер проектори, визуал материаллар, информация билан таъминлаш
Ўқитиш турлари	Коллектив
Ўқитиш шароитлари	Аудитория,

## МАЪРУЗАНИ ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ

Этапи, вақти	Фаолияти	
	ўқитувчи	талаба
1 этап Кириш (5 мин)	1. Маъруза мавзуси, мақсади, режалаштирилаётган натижалари ва маърузани олиб бориш режаси билан таништиради	1. Тинглашади
2 этап Билимларни актуализацияси (20 мин)	2.1. Талабаларни билим даражаларини текшириш мақсадида саволлар берилади: 1. Асептикани қандай турларини биласиз? 2. Антисептикани қандай турларини биласиз? 3. Физик антисептикага нима киради? 4. Биологик антисептикага нима киради? Блиц сўров ўтказиш: 2.2. Лекция мақсади билан таништириш ва экранга чиқариш. Слайд таркибий қисмларини гапириш. Слайд №1 2.3. Слайд №2ни экранга чиқариш.	2.1. Саволларга жавоб берилади  2.2. Слайд №1ни ўрганиш 2.3. Слайд №2ни ўрганиш
3 этап Информацион (55 мин)	3.1. Эътиборга молик саволлар тизими ва визуал материаллардан фойдаланиб, режа саволлари бўйича маъруза материаллари кетма-кетлигини айтиш. Режани 1- саволи бўйича; Кимёвий антисептикларни классификациясини айтиш. Режани 2- саволи бўйича; Антисептиканинг турлари. Режани 3- саволи бўйича; Антисептикларни организмга юбориш йуллари. Режани 4- саволи бўйича; Асептика турлари ва энзимотерапия. Маъруза мавзусини асосий қисмларига эътибор қаратилади ва ёзиб олинади.	3.1. Келтирилган материалларни муҳокама қилиш, аниқлаш ва саволлар бериш.          Асосийларини ёзиб олиш
4 этап	4.1. Саволлар берилади:	4.1. Саволларга

Якуний (10 мин)	1. Антисептика турларини курсатинг ? 2. Листер антисептикаси нима? Кулланилиши 4.2. Мустақил иш учун вазифа: Листер антисептикаси.	жавоб бериш.  4.2.Талабалар эшитиб ёзиб олишади.
--------------------	--	--

Жароҳатдаги, унинг атрофидаги, патологик учокдаги ёки бутун бир организмдаги микробларни йук қилишга, уларни тарқалишини камайтиришга, вирулентлигини пасайтиришга қаратилган чора тадбирлар мажмуасига антисептика дейилади.

Бактериологик эра бошлангунига қадар (1878) операция қилинган беморларнинг деярли ярмидан ошиги сарамас, пиемия, газли гангрена жароҳат дифтериясидан нобуд булишарди. Жароҳатларнинг йиринглашига эса одатий хол деб қараларди ва операциядан кейинги даврнинг ажралмас бир ҳолати деб ҳисобланарди.

«Антисептика» тушунчасини ифлосликларга қарши курашда ишлатилувчи минерал кислоталарнинг гижжаларни улдириш хусусиятини қузатган инглиз хирурги Дж. Прингл (1750) таклиф қилган.

Лекин жароҳатларнинг йиринглаши ва чириш жараёнлари билан кураш усуллари жуда ҳам оддий булган.

XIX асрнинг 40 йиллари бошида Н.И.Пирогов жароҳатларни даволашда қарбол кислотасини ишлата бошлаган. Гиппократ эса жароҳатларни қайта боғлашда ва ювишда факат қайнатилган сув, тоза чойшаблар, жароҳат ажралмаларини суриб олувчи боғламларни ишлатган. Бу боғламларнинг зарарсизлантириш хусусиятини ошириш учун эса уларга вино спиртини шимдирган.

Венгер акушер-гинекологи И.Земмельвейс хирург қулида тугаётган аёллар ҳаётига хавф солувчи ва жароҳатларнинг битишига тусқинлик қилиши мумкин булган хавф борлигини аниқлаган. У бошқалардан ҳам купрок антисептика усуллари яратишга яқин борди, кулларни, тугурук йулларини, асбоб усқуналарни ва тугурукда ишлатилиши мумкин булган барча ашёларни дезинфекция қилиш учун хлорли сувдан мунтазам равишда фойдаланди.

И.Земмельвейс экспериментда бачадон ажралмасида касалликларнинг сабабчиси бор, улар эса ходимларнинг ифлосланган куллари ёки асбоб-усқуналар орқали битта аёлдан иккинчисига утиши мумкин эканлигини уз тажрибаларида исботлаб берди. Тугаётган аёлларни текширувдан олдин кулларни хлорли оҳак эритмаси билан ювилиши шарт деган таклифнинг қабул қилиниши оламшумул натижалар берди: тугурукдан кейинги сепсисдан улим деярли 10 мартагача камайди. Бу эса И.Земмельвейснинг инсоният олдидаги катта хизматларидан саналади.

Инглиз доришуноси Лемер қарбол кислотасининг бижгиш жараёнларини тухтатишини исботлади ва биринчи булиб жароҳатларни даволаш учун

антисептик эритма сифатида карбол кислотасининг 5% ли эритмасини ишлатишни таклиф килган.

Листернинг устози Дж. Эриксен 1874 йилда инсоннинг корин бушлиги, кукрак бушлиги ва калла суяги бушлиги хирургия учун забт этиб булмайдиган чукки деган фикрни илгари сурган. Француз олими Луи Пастер эса узининг куп сонли тажрибалари билан антисептиканинг ривожланишига катта хисса кушган ва муайян сохада тирик организмларнинг ривожланиши микроорганизмларнинг ташкаридан тушиши билан боглик эканлигини исботлаб берди.

Л. Пастернинг чириш ва бижгиш жараёнлари хакидаги ишларига асосланиб Дж. Листер узининг антисептик усули - карбол кислотаси ёрдамида инфекция билан кураш усулини таклиф килган. У карбол кислотасининг 2,5% ли эритмасини жарохатнинг узида, жарохатга тегиши мумкин булган барча ашёларга нисбатан ишлата туриб суякларининг очик синиши булган 10 та беморни самарали даволаган. У жарохатларга карбол кислотасининг ёгли эритмаси шимдирилган 10 каватли боглам куйган.

#### **Листер антисептикаси (1867)**

1. Операция хонасига карбол кислотасини эритмасини пуркаш.
2. Асбоб-ускуналарга, тикув ва боглов материалларига карбол кислотасининг 2-3% эритмаси билан ишлов бериш.
3. Хирург кулига 2-3% ли карбол кислотасининг эритмаси билан ишлов бериш .
4. Операция майдонига карбол кислотасининг 3%ли эритмаси билан ишлов бериш.
5. Жарохатга Листернинг махсус богламини куйиш.

#### **Листер богламининг таркиби**

1. 5% ли карбол кислотаси шимдирилган ипак.
2. Канифол ёки парафин аралаштирилган карбол кислотаси шимдирлган саккиз каватли дока.
3. Резина шимдирлган когоз (прорезинованная бумажная ткань) ёки кленка.
4. Богламни 5% ли карбол кислотаси шимдирлган бинт билан боглаш.

Дж. Листернинг антисептик усули хирургияда 15 йил давомида машхурлик килди (господствовал). 1871 йилга келиб эса Листернинг узи хам карбол кислотаси организм тукумаларга нисбатан бетараф эмаслигини тушуниб етди ва шу вақтдан бошлаб зарарсиз антисептик воситалар кидирила бошланди.

XIX асрнинг охирларига келиб боглов материаллари ва асбоб-ускуналарни стериллаш усуллари ишлаб чикила бошланди. Хирургияда антисептиканинг янги йуналиши булган микробсиз шароитлар яратиш ва шундай шароитларда муолажалар килишга асос солинди.

1878 йилда Э.Бухнер хирургик асбоб-ускуналарни кайнатиш билан, Ж. Териллон эса курук буг билан стериллашни таклиф килишган.

1882 йили Ф. Тренделенбург Бонн шаҳрида хирургик асбоб-ускуналарни сув буги билан стериллайдиган аппарат ясаган.

1890 йили Дж. Гопкис госпиталида Бладгуд жароҳатни хирург кулидан химоя қилиш мақсадида резина кулқоплар қийишни таклиф қилган.

1886 йили Э.Бергман ва К. Шиммелбушлар асбоб-ускуналарни қайнатиш учун метал биксларни таклиф қилишган ва автоклавни такомиллаштиришган.

1890 йили Берлин шаҳрида хирургларнинг X халқаро конгрессида антисептикани киритиш ва оммавийлаштиришда қилган хизматлари учун профессор Э.Бергман асептиканинг отаси деб тан олинган.

Режали равишда қилинадиган асептика ва анестезия замонавий хирургиянинг муҳим принципларидан саналади. Асептика антисептика билан биргаликда стерил шароитлар яратишни таъминлайдиган тадбирларга асосан хирурглар фаолиятига имкониятлар очади.

### **Антисептиканинг турлари**

- Физик антисептика
- Механик антисептика
- Кимёвий антисептика
- Биологик антисептика
- Аралаш антисептика

### **Антисептик усулларни ишлатиш йуллари**

#### **Физик антисептика:**

1. Бушликларни дренажлаш.
2. Дока тампонлардан фойдаланиш.
3. Хар хил нурлардан фойдаланиш.

#### **Механик антисептика:**

1. Жароҳатни кесиб кенгайтириш ва чеккаларини кесиб олиш.
2. Ёт жисмларни олиб ташлаш.
3. Йирингли яраларни ювиб тозалаш.

#### **Кимёвий антисептика:**

Антисептик эритмаларни маҳаллий ишлатиш:

1. Тери ва жароҳатга ишлов бериш.
2. Танани антисептик эритмалари билан ванна қилиш.
3. Антисептикларни дренаж орқали бушликлар ёки жароҳатга киритиш.
4. Жароҳат атрофи туқималарини антибиотиклар эритмалари билан туйинтириш (инфильтрация).

#### **Биологик антисептика:**

1. Маҳаллий (жароҳатга сепиш, жароҳатга ёки бушликларга антибиотиклар эритмалари шимдирилган тампонлар қуйиш);
2. Мушак орасига, вена ичига, артерияга, суяк ичига антибиотиклар юбориш.

3. Ферментларни махаллий, мушак орасига, бушликларга, вена ичига, суяк ичига юбориш.
4. Мушак орасига, вена ичига, антистафилококк, антигангреноз, кокшолга карши препаратларни юбориш.

- **Антисептикларни организмга юбориш йуллари**

1. Огиз оркали.
2. Конга.
3. Суяк кумигига.
4. Тери остига.
5. Ингаляция йули билан.
6. Бушликларга.
7. Жарохатга.
8. Йирингли бушликларга (в закрытые гнойники).
9. Ванна килиш билан.
10. Тугри ичакка.

**Физик антисептиканинг компонентлари (М.Я.Преображенский 1894 й.)**

1. Докадан тампонлар, резина ва бошка материаллардан дренажлар.
2. Ультратовуш < 20 кГц:
  - Физик самра – кавитация и зарб тулкини (ударная волна)
  - Кимёвий самара – Н<sup>+</sup> ва ОН<sup>-</sup> ионларини ажралиши
3. Лазер: (юкори ва паст энергияли)
  - Харорат, зарб тулкини , электр майдони
4. Диадинамик ток (Бернара)
5. Электрофорез

- **Механик антисептиканинг компонентлари (жарохатга бирламчи хирургик ишлов бериш А.Чаруковский 1836 г., Фридрих 1898 г.)**

1. Жарохат атрофини тозалаш (туалет вокруг раны): эфир билан, бензин билан, фурациллин билан, ёг ва бошкалар билан).
2. Жарохат атрофини сочлардан тозалаш.
3. Операция майдонига спирт ва йод билан ишлов бериш.
4. 0,5% ли новокаин эритмаси билан анестезия.
5. Жарохатнинг узини водород пероксиди ва фурациллин эритмалари билан ювиш.
6. Скальпел билан жарохат чеккаларини, деворларини ва тубини, шу жумладан улик, хаётга лаёкатини йукотган тукумаларни кесиб олиб ташлаш.
7. Гемостаз.
8. Каватма-кават чоклар куйиш билан жарохат чеккаларини якинлаштириш.
9. Йод билан ишлов бериш.
10. Асептик боглам куйиш.



## **Кимёвий антисептикларнинг таснифи**

- 1. Галоидлар.
- 2. Оксидловчилар.
- 3. Огир метал тузлари.
- 4. Буёвчи моддалар
- 5. Кислота ва ишкорлар
- II. Органик катор
- 1. Альдегидлар
- 2. Феноллар
- 3. Спиртлар.
- 4. Сульфаниламидлар
- 5. Нитрофуран хосилалари
  
- **Анорганик кимёвий воситалар.**
- А. Галлоидлар гурухи.
- 1. Хлорамин Б (0,5%-2%)  
иш.: инфицирланган жарохатларни даволашда ( 1-2 % эрит)  
кулларни дезинфекция килишда (0,5% эрит) хоналарни  
дезинфекция килиш (2% эрит)
- 2. Йодиол.
- иш.: йирингли бушликларни, трофик яраларни ювишда,  
примочка куринишида ва компресслар килишда.
- 3. Йоданат (1%),  
иш.: операция майдонига ишлов беришда.
- 4. Йодопирон.
- иш.: операция майдаонини дезинфекция килишда.
- жарохатга бирламчи хирургик ишлов беришда.
- 5. Йодофор (йодопиронга ухшаб ишлатилади).
- 6. Йодофом.
- иш.: инфицирланган жарохатлар ва яраларларни даволашда.
- Б. Оксидловчилар.
- 1. 1. Водород пероксиди (3-6%), яраларни тозалашда, хирургик  
асбобларга ишлов беришда ва бошкаларда.
- 2. 2. Калий перманганат.  
0,1 – 0,05% сувдаги эритмаси – жарохатларни ювишда.  
0,01 – 0,1% огиз бушлиги ва томокни чайиш учун.  
0,02 – 0,1% - кинни ювиш (спринцевания) учун.  
2 – 5 % яралар ва куйиш юзаларига ишлов бериш учун.
- В. Огир металл тузлари.
- 1. Кумуш нитрат. 1-2%; 5- 10% ли эритмаси йирингли яралар ва  
сийдик копини ювиш учун.
- 2. Протаргол.  
1-3% ли эритмаси сийдик копини ва юкори нафас йулларини  
дезинфекция килиш учун
- 3. Колларгол.

0,2-1% ли эритмаси яраларни ювиш учун.

1-2% - ли эритмаси сийдик копини ювиш учун.

2-5% - глазные капли.

● 4. Симоб окисианид.

1;5000- ли эритмаси сийдик копини ва жарохатларни ювиш учун

1% ли эритмаси – асбоб-ускуналарни стериллаш учун.

● 5. Рух сульфат.

0,1-0,5% р-р – конъюктивитларда.

0,25-0,5% - юкори нафас йулларини яллигланиш

касалликларида.

● Г. Буёвчи моддалар.

● 1. Метилен куки (1-3%)– ли эритмаси сийдик копини ва жарохатларни ювиш учун

2. Бриллиант яшили.0,1-2% спиртли эритмаси енгил жарохатларга ишлов бекриш учун.

● Д. Кислота ва ишкорлар.

● 1. Салицил кислотаси.

● 2-5% - сепмалари (присыпки)

● 1-10% -мазь некроз тукумалари булган жарохатларни даволашда.

● 1-2% - спиртли эритмаси гиперкератозни даволашда.

● 2. Борат кислотаси (кислота борная).

● сепмалари, 5-10% ли мазлари – тери касалликларида.

● 2-4% ли сувли эритмалари – яраларни ювишда.

● 3. Натрий тетраборати.

4% ли эритмаси кинни ювиш ва яраларни ювиш учун.

- **Органик кимёвий моддалар**

● Е. Альдегидлар.

● 1. Формалин ёки формальдегид

Кулларни, кулкопларни, дренаж найчаларни ва асбоб-ускуналарни дезинфекция килишда.

● 2. Сайдекс.

глутар диальдегиднинг 2% ли эритмаси

катетерларни, асбоб-ускуналарни дезинфекция килишда.

● Гексаметилен – тетраамин.

сийдик йуллари яллигланиш касалликларида ичишга ва вена ичига юбориш учун.

Ж. Феноллар.

● 1. Фенол ёки карбол кислотаси – 3-5% ли эритмаси – чойшабларни, анжомларни дезинфекция килиш учун.

● Деготь березовый.

10-30% ли мазь тери касалликларида.

3. Спиртлар.

● Этил спирти 70-96%

Хирург кулини, асбоб-ускуналарни, тикув материалларини ва операция майдонини дезинфекция қилиш учун.

И. Сульфаниламид воситалар.

- Купинча стрептоцид, норсульфазол, сульфазин, сульфадимезин, сульфадиметоксинлар ишлатилади.

К. Нитрофуран хосилалари

- 1. Фурацилин (1:5000) – яраларни, плевра, бугим ва корин бушликларини ювиш учун.
- 2. Фурагин - 0,1% ли эритмаси инфекциянинг огир формаларида махаллий ишлатилади.
- 3. Фурадонин
- 4. Фуразолидон

### **Биологик антисептика**

- Энзимотерапия (ферментлар)
- А) Хайвонлардан олинадиган – трипсин, химотрипсин, химопсин
- Б) Бактериал – террилитин, стрептокиназа, коллагеназа, аспераза, ируксол
- В) Усимликлардан олинадиган - бромелаин, папаин.
- Иммуни системасига таъсир қилувчи: зардоблар, анатоксинлар, вакциналар, бактериофаглар.

### **Энзимотерапия**

- Махаллий ишлатилади
- Ингаляция ёрдамида ишлатилади
- Парентерал йул билан ишлатилади

### **Организмнинг химоя кучларини фаоллаштириш:**

- Янги консервланган кон ва эр. масса куйиш
- Фаол иммунизация: анатоксин, махсус вакциналар ишлатиш
- Пассив иммунизация: стафилококк анатоксини, антистафилококкплазмаси ёки гамма-глобулини, махсус бактериофаглар ишлатиш

Антибиотиклар гурухи:

- 1) 1). Пенициллин гурухи: бензилпенициллиннинг натрийли, калийли ва новокаинли тузлари, бициллин-1, бициллин-3, бициллин-5, метициллин натрий тузи, оксациллин натрийли тузи, ампициллин ва бошкалар.
- 2) 2). Стрептомицин гурухи: стрептомицин сульфат, стрептомицин хлоркальцийли комплекси.
- 3) 3). Тетрациклинлар гурухи: тетрациклин, тетрациклин гидрохлорид, окситетрациклин дигидрат, морфоциклин.
- 4) 4). Левомецетин гурухи: левомецетин, синтомицин.
- 5) 5). Антибиотиклар гурухи – макролидлар: эритромицин, олеандомицин, фосфат, олететрин, олеморфоциклин.

- 6) 6). Антибиотиклар гурухи - аминогликозидлар: неомицин сульфат, мономицин, канамицин.
- 7) 7). Замбуругларга карши воситалар: нистатин, леворин, амфотерицин В ва бошкалар.

Антибиотикларни юбориш йуллари :

- ✓ Антибиотикларни махаллий ишлатиш
- ✓ Суяк ичига юбориш
- ✓ Вена ичига юбориш
- ✓ Артерия ичига юбориш
- ✓ Аорта ичига юбориш
- ✓ Трахеа ичига юбориш
- ✓ Юкоридаги усулларнинг комбинацияси

Антибиотикларни ишлатишда куйидаги хатоликлар кузатилиши мумкин:

- Курсатмаларсиз (заруриятсиз) ишлатилиши.
- Кам ёки куп дозада буюрилиши
- Бир хил гурухга мансуб антибиотикларни ишлатиш
- Микроблар сезгирлигини хисобга олмасдан ишлатиш
- Синергизм ёки антагонизмга эътибор бермаслик
- Ножуя таъсирларига эътибор бермаслик

## **АСЕПТИКА**

Жарохатга микроблар тушишини олдини олишга каратилган чора тадбирлар мажмуасига асептика дейилади.

Хозирга вақтда асептика хирургиянинг таянчига айланган асослардан биттасидир.

Патоген микробларнинг жарохатга ёки организмга тушиш манбалари экзоген ва эндоген булиши мумкин.

### **I. Экзоген**

- 1. Хаво томчи.
- 2. Контакт.
- 3. Имплантацион.

### **II. Эндоген.**

- Организмдаги патологик учоклардан (тери, ошкозон ичак тракти, нафас йуллари ва бошкалар) лимфоген ёки гематоген таркалиши.

## **Жарохатга инфекциянинг тушиш йуллари**

### **– Экзоген инфекция**

- **A. хаво-томчи**
- Операция вақтида деразаларнинг очик туриши
- Операция вақтида операция хонасини тозалаш
- Операция вақтида кескин харакатлар килиш
- Операция вақтида гаплашиш

## **Б. Контакт**

- 1. Стериль булмаган куллар
- 2. Стериль булмаган асбоб-ускуналар
- 3. Стериль булмаган чойшаблар
- 4. Антисептик ишлов берилмаган (необработанный) операцион стол

## **В. Имплантацион**

- 1. Стериль булмаган металлоостеосинтез воситалари
- 2. Стериль булмаган протезлар
- 3. Стериль булмаган тикув иплари
- 4. Стериль булмаган дренажлар
  - **Эндоген инфекция**
- Мудровчи (дремлющая) инфекция (чандик тукумаси)
- Контакт (йирингли бушликларнинг очилиши, ичак бушликларнинг очилиши)
- Гематоген ва лимфоген (сурункали тонзиллит, кариес тишлар)

## **Хаво-томчи инфекциясини олдини олиш**

- Хирургия булимларини режалаштириш ва ташкил килиш (организация и планировка).
- Операция блокани жойлаштириш ва жихозлаш (Отделка и оборудование операционного блока).
- Операция хонасига эътибор ва парвариш (содержание и уход).

### **Контакт инфекциясини олдини олиш.**

#### **Хирург кулига ишлов бериш усуллари**

I. Механик тозалаш, дезинфекция килиш, ошлаш:

- 1. Спасокукоцкого – Кочергина усули. (0,5% нашатыр спирти)
- 2. Альфельд усули. (96% спирт + 5% йод)
- 3. Фюрбрингера усули. (70% спирт + 0,5% сулема эритмаси)

II. Факат терини ошлаш:

- 1. Бруно усули. (96% спирт – 10 мин.)
- 2. Заблудовский усули.

#### **Тикув материалларини стерилизация килиш усуллари**

- Ипак –Кохер усулида. (сулема+спирт)
- Кетгут - Клаудиус усулида (хул) ва Ситковский (йоднинг курук бугларида).
- Капрон –20 минут кайнатиш.
- Соч – стоматологияда. (96% спирт + 7 кун – 2 марта)
- Тантал скрепкалари – асбоб-ускуналарга ухшаб.

#### **Асбоб-ускуналарни стерилизация килиш**

## **( марказий стерилизация килиш булими).**

А. Автоклавларда:

- 1. Зангламайдиган асбоблар (чайшабларга уралган холатда).
- 2. Боглов материаллари (биксларда).
- 3. Операция чайшаблари (биксларда).

Б. Курук иссик (сухожаровой) шкафларда (180 гр. – 45мин).

- 1. Шприцлар ва ниналар.

### **Стерилликни назорат килиш**

I. Назорат экмалари (контрольные посеы).

II. Автоклавларда:

- 1. Олтингугурт.
- 2. Бензой кислотаси.
- 3. Антипирин.
- 4. Микулич усули.

III. Курук иссик (сухожаровой) шкафларда:

- Сахароза.
- Мочевина.

### **Имплантацион инфекцияни олдини олиш**

- 1. Металлоостеосинтез воситаларини стерилизация килиш
- 2. Протезларни стерилизация килиш
- 3. Тикув материалларни стерилизация килиш
- 4. Дренажларни стерилизация килиш

### **Эндоген инфекцининг профилактикаси**

- Операция майдонини тайёрлаш
- Организмдаги инфекция учокларини йукотиш.

### **Талаба билиши керак булган саволлар:**

1. Жаррохлик фани нима.
2. Жаррохликнинг тиббиётда тутган урни.
3. Умумий жаррохлик фанининг максоди ва вазифалари.
4. Мамлакатимизда хирургик ёрдам кандай ташкил этилган.
5. Жаррохлик ибтидоий ва феодализм даврида кандай ривожланган.
6. Урта асрларда жаррохлик фанини ривожланишига хисса кушган жаррохлар хакида гапириб беринг.
7. Уйғониш даврида жаррохлик кандай ривожланган.
8. Капитализм даврининг атокли намояндалари кимлар.

9. Россияда жаррохликнинг ривожланиш тарихи хақида гапириб беринг.

10. Узбекистонда жаррохликни ривожланишига узларини улкан хиссаларини кушган буюк алломалар хақида гапириб беринг.

11. Антисептиканинг пайдо булишига нима туртки булган.

12. Антисептиканинг кандай турларини биласиз.

13. Механик, физик, кимёвий ва биологик антисептика.

14. Асептика нима ва уни асосчиси ким.

15. Жарохатга инфекция тушишинг кандай йули бор.

16. Операцион – боғлов булимида хаво ва томчи инфекциясининг профилактикаси нимадан иборат.

## АДАБИЁТЛАР

### Асосий:

1. В.И.Стручков - Общая хирургия. М., Медицина, 1986г.

Ю.В.Стручков

2. Г.И.Волоколаков - Общая хирургия. Рига, 1989г.

3. В.К.Гостищев - Общая хирургия. М., Медицина, 1993

4. В.К. Гостищев - Руководство по общей хирургии. М.

5.А.Григорян - Руководство по практическим занятиям по общей хиргии, М., Медицина, 1976г.

6. У.О.Арипов, Ш.И. Каримов - Умумий хирургия. Т. , Тошкент, 1994г.

### Кушимча:

1. В.И. Вашков - Средства и методы стерилизации применяемые в медицине . М., Медицина, 1973г.

1. Н.С.Тимофеев, Н.Н.Тимофеев – Асептика и антисептика . Л., Медицина 1980г.

2. А.П.Красильников – Современные проблемы антисептики. «Здравохранение Беларуссии », 1990г. N11, стр.52-58.

3. Афиногенов и др. – Антисептика в хирургии М., Медицина 1987г.

4. А.Х.Янгиев, М.Ю.Юнусов – Антисептика ва асептика, 1990г.

**Интернет маълумотлари:**

1. [www.mediasphera.ru](http://www.mediasphera.ru),
2. [www.links.spinet.ru](http://www.links.spinet.ru),
3. [www.medlinks.ru](http://www.medlinks.ru),
4. [www.medlain.ru](http://www.medlain.ru).
5. [www.tma.uz](http://www.tma.uz).